

AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 07 | pp. 228-234 | ISSN: 2181-1865
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ШАРТЛИ МАЖБУРИЯТЛАР ВА ШАРТЛИ АКТИВЛАРНИ МОЛИЯВИЙ ХИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



Фарманова Зухра Тулкиновна
Ташкент Кимё Халқаро Университети
мустақил изланувчиси,
farmanova1987@mail.ru
ORCID:0009-0002-5833-4743

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УСЛОВНЫХ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ И АКТИВОВ НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ

Фарманова Зухра Тулкиновна
Ташкентский Международный Университет Кимё
независимый исследователь,
farmanova1987@mail.ru
ORCID:0009-0002-5833-4743

IMPROVEMENT OF CONTINGENT LIABILITIES AND ASSETS BASED ON INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS

Farmanova Zuxra Tulkinova
Kimyo International University in Tashkent
independent researcher,
farmanova1987@mail.ru
ORCID:0009-0002-5833-4743

Аннотация. Ушбу мақолада шартли мажбуриятлар ва шартли активларни ҳисобини ташкил этиш ва уларнинг ўзига ҳос жиҳатлари ёритилин. Шунингдек, шартли мажбуриятлар ва шартли активларни ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) асосида такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: мажбурият, жорий ва узоқ мудатли мажбуриятлар, баҳоланган мажбурият, шартли мажбурият, шартли актив, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХҲС), бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (БҲҲС).

Аннотация. В данной статье описана организация учета условных обязательств и условных активов и их особенности. Также разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию учета условных обязательств и условных активов на основе международных стандартов финансовой отчетности (МСФО).

Ключевые слова: обязательство, текущие и долгосрочные обязательства, оценочное обязательство, условное обязательство, условный актив, международные стандарты финансовой отчетности (МСФО), международные стандарты бухгалтерского учета (МСБУ).

Abstract. This article describes the organization of accounting for contingent liabilities and contingent assets and their features. Also, proposals and recommendations for improving the accounting of contingent liabilities and contingent assets based on international financial reporting standards (IFRS) are developed.

Keywords: liability, current and long-term liabilities, estimated liability, contingent liability, contingent asset, international financial reporting standards (IFRS), international accounting standards (IAS).

Кириш.

Бугунги даврда Янги Ўзбекистон “Инсон қадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлат” деган муҳим ғоя негизида барпо этилмоқда. Давлатимиз Раҳбари белгилаб берган бу улуғвор мақсад асосида халқимиз янгидан-янги ислоҳотларнинг ҳақиқий муаллифига айланиб бормоқда. Шу муносабат билан, “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида беш йилликда мамлакатимизда амалга ошириладиган ислоҳотларнинг зарур сиёсий-хукуқий, ижтимоий-иктисодий ва илмий-маърифий асосларини яратиб беришга қаратилган Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилиб, ҳозирда ушбу фармон ижроси амалга ошириш долзарб масала бўлиб келмоқда.

Маскур фармоннинг 26-мақсадида Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш; инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳамда экспорт ҳажмларини ошириш бўйича, «пастдан-юқорига» тамойили асосида, янги тизимни йўлга қўйиш; 2026 йилгача Хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш стратегиясини амалга ошириш; давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга 14 миллиард АҚШ долларга тенг инвестиция жалб этиш каби вазифалар белгилаб қўйилган [1]. Ушбу вазифаларни ва мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, унинг жозибадорлигини оширишда хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини МХҲСлари талаблари асосида ташкил этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Юртимизда хўжалик юритувчи субъектлар 2021 йил 1 январдан бошлаб мҳҳс асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисбототни мҳҳс асосида тайёрлаш қонун билан ҳам белгилаб қўйилган [2]. Шундай экан, хўжалик юритувчи субъектлар шартли мажбуриятлар ва шартли активларни молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш танланган мавзунинг долзарбилигини кўрсатиб беради.

Адабиётлар шарҳи.

Мамлакатимизнинг таниқли иқтисодчи олимлари ҳисобланган Н.Б.Абдусаломова, А.Ж. Туйчиев, Махмудов С., Ш.Т.Эргашева, Н.К.Ризаев, А.К.Ибрагимов, С.Н.Ташназаров, У.Ширинов, А.Козимжонов, А.Ризакулов ва бошқалар томонидан илмий ишларида мажбуриятлар билан боғлиқ ҳисобкитобларини такомиллаштиришнинг услугий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этилганлар [3,4,5,6,7,8].

Иқтисодчи олима Ш.Эргашева фикрича Шартли мажбурият хўжалик юритувчи субектнинг активларини камайтириши ва субектнинг келгуси соғ рентабеллиги ва пул оқимиға салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги сабабли, шартли мажбурият ҳақидаги маэлумотлар инвесторнинг қарорига таъсир қилиши мумкин. Шартли мажбуриятлар Молиявий ҳисботининг халқаро стандартлари талаблари асосида бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари билан боғланган ҳолда акс еттирилишга мажбур [5].

У.Ширинов фикрича баҳоланадиган мажбуриятлар, шартли активлар ва шартли мажбуриятлар аудиторлик текширувидан ўtkазиш мақсади бухгалтерия ҳисботи дебеторлик ва кредиторлик бўлмининг ишончлилиги тўғрисида фикр шакллантириш ва корхонада баҳоланадиган мажбуриятлар, шартли активлар ва шартли мажбуриятлар билан боғлиқ муомалаларни ҳисобга олиш ҳамда солиқقا тортиш услубиётини ташкил этишнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган меъёрий хужжатларга ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига мувофиқлигини аниқлашдан иборат[7].

А.Ризакулов фикрича хўжалик субъектининг ҳисбот даврининг якунида жорий мажбурияти бор бўлганлигини тасдиқлаган, суд ишининг ҳисбот давридан кейин ҳал бўлиши. Хўжалик субъекти ушбу суд иши юзасидан олдин тан олинган ҳар қандай захираларга МҲҲС 37 “Захиралар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар” га мувофиқ тузатиш киритади ёки янги захирани тан олади. Хўжалик субъекти фақат шартли мажбуриятни ошкор этиш билан чегараланмайди, чунки суд ишининг ҳал бўлиши натижасида МҲҲС 37га мувофиқ еътиборга олиниши керак бўлган қўшимча далиллар таъминланади [8].

А.Амиров фикрича БҲҲС 37 “Захиралар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар” – резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активларга нисбатан тўғри тан олиш мезонлари ва баҳолаш асослари қўлланилишини ҳамда фойдаланувчилар ушбу захиралар, шартли мажбуриятлар ва шартли активларнинг моҳиятини, вақтини ва суммасини тушуниши учун молиявий ҳисботларга изоҳдарда етарлича маълумотлар очиб беришда қўлланилади [9].

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот ишини бажаришда маълумотларни тўплаш, умумлаштириш, гурухлаш, таққослаш, индукция ва дедукция усулларини қўллаган ҳолда МҲҲС асосида мажбуриятларни ҳисобга олишнинг хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларидан фойдаланилган.

Таҳдил ва натижалар.

Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида мажбуриятлар ҳисобини ташкил этишда мажбуриятларни қўйидаги З та асосий таснифга ажратиб олиш мумкин:

1. Жорий мажбуриятлар ёки қисқа муддатли мажбуриятлар – бир йил ичida тўланиши керак бўлган мажбуриятлар;
2. Узоқ муддатли мажбуриятлар – бир йилдан ортиқ муддатда тўланиши тўланиши керак бўлган мажбуриятлар;
3. Шартли ва баҳоланган мажбуриятлар – маълум бир ҳодиса эвазига пайда бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин бўлган мажбуриятлар.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида шартли мажбурият тушунчаси мавжуд эмас. Шартли мажбурият атамаси асосан халқаро амалиётда қўлланилади. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартининг 37-сон «Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар» номли стандартида унга қўйидагича таъриф берилган:

Баҳоланган мажбурият – бу ноаниқ бажариш муддатига ёки ноаниқ қийматга эга бўлган мажбуриятдир.

Шартли актив – бу олдинги ҳодисалардан юзага келиши мумкин бўлган ва унинг мавжудлиги фақатгина ташкилотнинг тўлиқ назорати остида бўлмаган келгуси ноаниқ ҳодисаларнинг бири ёки бир нечтаси содир бўлиши ёки содир бўлмаслиги натижасида тасдиқланадиган эҳтимолли активдир.

Шартли мажбурият - бу олдинги ҳодисалардан юзага келиши мумкин бўлган ва унинг мавжудлиги фақатгина ташкилотнинг тўлиқ назорати остида бўлмаган келгуси ноаниқ ҳодисаларнинг бири ёки бир нечтаси содир бўлиши ёки содир бўлмаслиги натижасида тасдиқланадиган эҳтимолли жавобгарликдир ёки олдинги ҳодисалардан юзага келадиган мавжуд жавобгарлик, лекин улар тан олинмайди, чунки:

жавобгарликни бажариш учун ўзида иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетишининг талаб этилиши эҳтимоли йўқ ёки жавобгарликнинг қиймати етарли даражада ишончли баҳолана олмайди.

Баҳоланган мажбуриятлар ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун талаб қилинадиган келгуси сарфларнинг муддати ёки қийматида ноаниқлик мавжудлиги жиҳатидан савдо кредиторлик қарзлари ва ҳисобланган мажбуриятлар каби бошқа мажбуриятлардан фарқ қиласи.


Баҳоланган мажбуриятларнинг ҳар бир синфи бўйича ташкилот қўйидагиларни ёритиб бериши лозим:

- давр бошидаги ва охиридаги баланс қиймати;

- давр мобайнида қўшимча яратилган баҳоланган мажбуриятлар, шу жумладан мавжуд баҳоланган мажбуриятларнинг қўпайиши;
- давр мобайнида фойдаланилган суммалар (яъни баҳоланган мажбурият ҳисобидан сарфланган ва баҳоланган мажбуриятни камайтирган суммалар);
- давр мобайнида қайта тикланган фойдаланилмаган суммалар;
- давр мобайнида вақт ўтиши билан ва дисконтлаш ставкасида ҳар қандай ўзгаришнинг таъсири натижасида дисконтланган қийматнинг қўпайиши.

Шартли мажбуриятлар юзага келиши мумкин бўлган ходиса ва ушбу ходиса ўртacha аниқлик даражаси билан баҳолансагина бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади. Шартли мажбуриятта маҳсулот учун берилган кафолатлар, қарзлар бўйича кафолатлар, тутатилган зааралар, тўланмаган даъволар киради. Халқаро амалиётда қўп учрайдиган шартли мажбуриятта мисол келтирадиган бўлсак. «АБС» корхона билан ҳамкорликда ишловчи мол етказиб берувчи «ББС» корхона банкдан кредит ололмади. «АБС» корхона мол етказиб берувчининг банк кредити қайтарилишига кафолат бериб кафил бўлди. «АБС» корхонанинг кафили натижасида банк мол етказиб берувчи «ББС» корхонага кредит беради. Натижада «АБС» корхона шартли мажбуриятта эга бўлади. Агар мол етказиб берувчи «ББС» корхона банк кредитини тўласа шартли мажбурият сўнади, агар кредитни тўламаса хақиқий мажбурият сифатида акс эттирилади.

Шартли мажбурият хўжалик юритувчи субъектнинг активларини камайтириши ва субъектнинг келгуси соф рентабеллиги ва пул оқимига салбий таъсир кўрсатиши мумкинилиги сабабли, у ҳақидаги маълумотлар инвесторнинг қарорига таъсир қилиши мумкин. Шартли мажбуриятлар Молиявий ҳисботининг халқаро стандартлари талаблари асосида бухгалтерия ҳисбининг тамойиллари билан боғланган ҳолда акс эттирилиши зарур. Бизнингча ушбу муҳим учта тамойиллар қуидагилар:



1-расм. Бухгалтерия ҳисбининг муҳим тамойиллари.

Тўлиқ ошкор қилиш тамойилига кўра, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий кўрсаткичлари ва асослари билан боғлиқ бўлган барча муҳим, тегишли ҳодисалар молиявий ҳисботда ошкор қилиниши керак. Шартли мажбурият корхонанинг активлари ва соф рентабеллигини пасайишига таъсир этади ва шунинг

учун корхонанинг молиявий қўрсаткичлари ва ҳолатига салбий таъсир қўрсатиши мумкин. Демак, бундай ҳолатлар корхонанинг молиявий ҳисоботида тўлиқ ошкор қилиш тамойилига мувофиқ ошкор қилиниши керак.

Моддийлик тамойили барча муҳим молиявий маълумотлар ва масалалар молиявий ҳисботда қўрсатилиши кераклигини билдиради. Агар объектни билиш корхонанинг молиявий ҳисботидан фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорини ўзгартириши мумкин бўлса, обьект муҳим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, “материал” атамаси асосан “муҳим” билан синонимдир. Шартли мажбурият корхонанинг молиявий қўрсаткичлари ва молиявий ҳолатига салбий таъсир қўрсатиши мумкин ва буни билиш компаниянинг молиявий ҳисботининг турли фойдаланувчиларининг қарор қабул қилишига таъсир қилиши мумкин.

Эҳтиёткорлик тамойили бу бухгалтерия ҳисобининг асосий концепцияси бўлиб, у активлар ва даромадлар ошиб кетмаслигига, мажбуриятлар ва харажатлар ҳисоби тўғри юритилишига ишонч ҳосил қиласи. Шартли мажбуриятларнинг натижаси аниқ бўлиши мумкин эмаслиги сабабли, шартли ҳодисанинг содир бўлиш эҳтимоли баҳоланади ва агар у 50% дан катта бўлса-корхона мажбуриятни тан олади ва жорий харажатини эҳтимол қилинган суммага оширади. Шартли мажбуриятларни ҳисобга олиш мажбуриятлар ва харажатларни кам баҳоланишининг олдини олади.

Хулоса ва таклифлар.

Олиб борилган тадқиқот давомида бир қанча хориж адабиётларини таҳлил қилинганда молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари бўйича мажбуриятларни ташкил қилишда бир қанча МҲҲСлари асосий меъёрий хужжат бўлиб ишлаб келинмоқда. Мисол учун куйидаги молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини келтиришимиз мумкин: 39-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти «Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш», 7-сон Молиявий ҳисботнинг халқаро стандарти «Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериш», 9-сон Молиявий ҳисботнинг халқаро стандарти «Молиявий инструментлар», 37-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти «Баҳолантган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар», 9-сон МҲҲСШҚ Шархи «Молиявий мажбуриятларни улушли инструментлар билан сўндириш», 6-сон МҲҲСШҚ Шархи «Махсус бозорда иштирок этишдан юзага келадиган мажбуриятлар – чиқинди электр ва электрон усқуналар» ва бошқалар. Ушбу халқаро стандартлар асосида хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятлар ҳисобини ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони манба: <https://www.lex.uz>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 24.02.2020 йилдаги ПҚ-4611-сонли “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори. (<https://lex.uz/ru/docs/4746047>).

3. Махмудов С. Акциядорлик жамиятларида мажбуриятлар ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. Иқт.фан.ном. дис. ...автореф. – Тошкент: 2006. -22 б.
4. Туйчиев А.Ж. Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилиниң назарий-методологик муаммолари. Дис....иқт.фан.д-ри. – Т., 2011.
5. Эргашева Ш.Т., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К., Ибрагимова И.Р. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иктисадиёт, 2019. – 227 б.
6. Тащазаров С.Н., Тащазарова Д.С. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. – Самарканд: СамИСИ, 2018. – 421 б.
7. Kozimjonov A. Problems with Accounting of Borrowing Costs Capitalized in Compliance with the IFRS and the Ways to Solve them //Proceedings of the 5th International Conference on Future Networks and Distributed Systems. – 2021. – C. 366-369.
8. A. Rizaqulov, B.Xasanov, A.Usanov, Z.Mamatov, Buxgalteriya hisobining xalqaro standartlari.T.: - 2004. Tarjima.
9. А.А. Амиров Мажбуриятларнинг моҳияти ва уларни ҳисобга олишни такомиллаштириш йўналишлари. Iqtisodiyot va ta'lim / 2022-yil 5-son.
10. Палий В.Ф. Международные стандарты финансовой отчётности. –М., 2003.
11. IFRS For Dummies Published by John Wiley & Sons, Ltd The Atrium Southern Gate Chichester West Sussex PO19 8SQ England www.wiley.com Copyright © 2012 John Wiley & Sons, Ltd, Chichester, West Sussex, England Published by John Wiley & Sons, Ltd, Chichester.
12. Малкова Т.Н. Теория и практика международного бухгалтерского учёта. Учебное пособие. Изд. 2-е. –СПб., 2003.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

